O‘ZBEKISTON
BUNYODKORI
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№48 (701) 2023 йил 13 июнь, сешанба
uzbunyodkor | t.me/uzbunyodkor | info@uzbunyodkor.uz | uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 июнь куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Абай вилояти ҳудудида рўй берган ўрмон ёнғини оқибатида инсонлар ҳалок бўлгани муносабати билан Президент Қосим-Жомарт Тоқаев ва қардош Қозоғистон халқига чуқур ҳамдардлик ва далда сўзларини изҳор этди. Табиий офатга қарши курашиш ва унинг оқибатларини бартараф этишда Ўзбекистон барча зарур ёрдамни кўрсатишга тайёр экани таъкидланди.

Президентлар Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалаларини ҳам муҳокама қилдилар.

Савдо, саноат, энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида кооперация лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Минтақавий кун тартибидаги масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

**ЎзА.**

# Ҳарбий хизматчилар янги уйга кўчиб ўтди





**Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшинлари ҳарбий хизматчиларига Жиззах вилояти Жиззах шаҳридаги “Олмазор” массивида янгидан қурилган 50 хонадоннинг калитлари топширилди.**

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Марказий ҳарбий округ қўмондонлиги, вилоят ва шаҳар ҳокимлиги, меҳнат ва Қуролли Кучлар фахрийлари, ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзолари, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўз олганлар миллий армиямизнинг салоҳиятини ҳар томонлама ошириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераётгани, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида замонавий лойиҳалар асосида қурилган уй-жойлар билан таъминланаётгани таъкидланди, деб ёзади ЎзА мухбири Абдужалол Қаюмов.

Сўнгра ҳарбий хизматчиларга янги уй калитлари тантанали равишда топширилди.

Тадбирнинг расмий қисмидан сўнг, иштирокчилар янги ва шинам уйларда яратилган шароитлар билан танишди.

# Бошқарма биносига қуёш панеллари ўрнатилди

Шуҳрат НОРМУРОДОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Бугун бутун дунёда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам бино-иншоотларни электр энергия билан таъминлашда янгича ёндашувлар юзага кемоқда. Бунда энергия ресурсларига тушаётган юкламани юмшатиш ва муқобил чоралар кўришга алоҳида этибор қаратилмоқда.**

Қашқадарё вилоятида ҳам Президентимизнинг 2023 йил 16 февралдаги “2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида ҳамда вилоят ҳокимининг барча корхона ва ташкилотларга қуёш панеллари ўрнатиш юзасидан берган топшириғига кўра, вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси биносининг том қисмига қуёш панеллари ўрнатилди.

Электрон харидлар натижаси бўйича “1-сон комплекс лойиҳа қурилиш ва монтаж” ХК билан умумий қиймати 57 миллион 500 минг сўмлик шартнома тузилиб, қисқа вақт ичида ўрнатилган ушбу қурилманинг ишга туширилиши йилига 40 минг кВт электр энергияси тежалишига асос бўлади.

– Тез орада тизимда сув иситиш ва йўлаклардаги ёритиш чироқларини муқобил энергия таъминотига ўтказиш режалаштирилган, – деди бошқарма бошлиғи Зоҳиджон Зокиров. – Албатта, замон талаби асосида йўлга қўйилаётган бу каби ишлар мамлакатда электр энергияси таъминоти барқарорлигини оширишга ўз ҳиссасини қўшиши баробарида, ҳудуд экологиясини асрашда ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

## ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММПУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

# Осиё тараққиёт банки вакиллари билан учрашув

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Шерзод Ҳидоятов Осиё тараққиёт банкининг консультатив бўлими директори Такео Коике бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**



Учрашувда вазирлик ва Осиё тараққиёт банки ўртасидаги лойиҳалар, хусусан, Бухоро шаҳрида иссиқлик таъминоти тизимини модернизация қилиш юзасидан ОТБнинг консультатив кўмаги асосида ишлаб чиқилган дастлабки техник-иқтисодий асос, шунингдек, Наманган шаҳрида кунига 100 $м^3$ оқова сув тозалаш иншооти лойиҳалари бўйича кенг қамровли муҳокамалар олиб борилди.

Бугунги кунда вазирлик ОТБ билан ҳамкорликда Бухоро шаҳридаги иссиқлик марказларини ривожлантириш бўйича 110 Мвтли когенерация технологиялардан фойдаланган лойиҳани амалга ошириш ишларини ташкиллаштирмоқда. Бунда вазирлик 2022 йил 31 октябрда ОТБ билан имзолаган битимга асосан, Бухоро шаҳридаги лойиҳа бўйича техник-иқтисодий кўрсаткичлар, молиявий модел, лойиҳа консепцияси, барча тендер ҳужжатлари ва давлат-хусусий шериклик шартномаси ишлаб чиқилиши, шунингдек, тендер таклифларини баҳолаш ишларини амалга оширишга келишган.

Шу билан бирга, Наманган оқова сув тозалаш иншоотини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан вазирлик ОТБ билан ҳамкорликда оқова коллекторидаги ифлослантирувчи даражани аниқлайдиган ақлли био-сенсорларни ўрнатиш ишларига ҳам киришган. Мазкур лойиҳалар ҳозирги кундаги дунё стандартларига мос, замонавий технолигиялардан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши режалаштирилган. Бу эса энергия самарадорликка эришиш, чиқиндиларнинг экологияга зарарини камайтиришга хизмат қилиши кўзда тутилган.

Учрашувда Осиё тараққиёт банки вазирликни Наманган оқова сув тозалаш лойиҳаси бўйича Буюк Британиянинг “Partnership Awards 2023” кўрик-танловида “Энг яхши коммунал лойиҳа” номинацияси ғолиби бўлгани билан табриклади.

# Долзарб масалага бағишланган семинар



**Мамлакат ривожи, жамият тараққиёти, ислоҳотлар самарадорлигига эришишда давлат бюджетининг шаффофлиги ҳамда бюджет маблағларининг мақсадли ва оқилона сарфланиши устидан назорат масаласи бугун ҳар қачонгидан муҳим.**

Мазкур долзарб масала доирасида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан оқилона фойдаланиш ҳамда бюджет интизомига риоя этишни янада кучайтириш масалаларига бағишланган амалий семинар ташкил этилди.

Унда вазир ўринбосари Жалол Арашов, вазирлик бош ҳисобчиси Э. Эрматов, ички аудит бўлими вакиллари, қатор лойиҳа-қидирув институтлари, “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат инспекцияси, Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ва шаҳар бошқармалари ҳамда қуйи тизим ташкилотлари бош ҳисобчилари иштирок этишди.

Семинар доирасида 2022 йил якуни бўйича молиявий назорат тадбирларида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар юзасидан ҳудудий бошқармалар ҳисоботлари тингланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар, молиявий соҳадаги янгиликлар, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимига оид аниқ мақсадли чоралар муҳокама этилди.

– Давлат бюджети билан боғланган ҳар қандай ислоҳотлар тизими пухта, кенг ўйланган ва аниқ ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда бўлиши керак, – деди Жалол Арашов. – Албатта, ушбу маблағларнинг мақсадли ва оқилона сарфланиши устидан қатъий назоратни таъминлашимиз даркор. Бу орқали бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан самарали фойдаланиш орқали бюджет тақчиллигини камайтиришга ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз. Давлатнинг, халқнинг бир сўмига ҳам хиёнат қилмасдан, пок виждонимиз билан шу юрт ривожи учун хизмат қилсак, Ватанимиз олдидаги садоқатимизни исботлаган бўламиз.

# Болажонларга туҳфа

Шаҳноза МАМАТУРОПОВА, журналист.

**Маълумки, сўнгги йилларда давлат-хусусий шериклик асосидаги мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш бўйича ишларни жадаллаштириш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олиниши учун зарур шароитлар яратиш, соҳага хусусий секторни кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Президентимизнинг 2022 йил 14 июлдаги “Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим аҳамият касб этаётир. Қарорга кўра, Тошкент туманидаги “Ҳасанбой” МФЙ ҳудудида 560 ўринга мўлжалланган 9-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Айтиш керакки, 84 йиллик тарихга эга ушбу муассаса жуда эскирганди. Давлат-хусусий шериклик асосида лойиҳа учун 10 миллиард сўм ажратилгач, замонавий бино бунёд этилди. Қурилиш ишларида 100 га яқин ишчи-ходимлар меҳнат қилиб, кичкинтойлар учун зарур шароитларни яратиб беришганидан барча миннатдор бўлмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бу таълим ташкилоти вилоятда сўнгги йилларда қурилган энг катта қувватга эга мактабгача таълим ташкилотларидан биридир. Эндиликда ушбу муассасага Ҳасанбой, Ҳасанбой гузари ва Баҳор маҳаллалари ҳамда Тошкент шаҳрининг Юнусобод тумани ҳудудларидан боғча ёшидаги болалар қамраб олинади.

Айни пайтда муассасада 22 нафар педагог ходим фаолият юритмоқда. Кундалик машғулотлардан ташқари рус ва инглиз тиллари, шахмат-шашка, расм чизиш, бадиий гимнастика, сузиш тўгараклари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Ҳар бир гуруҳ хонасига ўрнатилган кузатув камералари ва янги интеграциялашган электрон мониторинг тизими орқали ота-оналар уйларида ўтириб интернет ёрдамида фарзандларининг машғулотларда қандай иштирок этаётгани, ўзини тутиши ва кун давомидаги жараёнларни кузатиши мумкин.

– Фарзандим шу боғчага қатнаяпти, – деди Машҳура Одилова. – Муассаса уйимизга яқин ҳудудда жойлашган, тарбиячилари малакали, ширинсўз. Энг муҳими, бу ердаги шароитлар ота-оналарнинг талабларига мос. Бу эса фарзандларимизнинг сифатли бошланғич билим олишлари, ҳар томонлама соғлом ўсиб-улғайишига хизмат қилади.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№48 (701) 2023 йил 13 июнь

# Вилоят ҳокими қурилиш ишлари билан танишди

Жаҳонгир ФОЗИЛОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Бухоро вилояти ҳокими Ботир Зарипов Бухоро шаҳри сектор раҳбарлари, тегишли ташкилот ва идоралар мутасаддилари иштирокида реновация дастури асосида қуриб, фойдаланишга топширилиши лозим бўлган иншоотларда бўлди. Тадбир давомида уй-жойлар қурилишига дахлдор муаммолар ўрганилди.**



Бугунги кунда вилоятда кўп қаватли уй-жойларнинг сифатли қурилиши ва фойдаланишга топширилиши алоҳида назоратга олиниб, қурилиш ишларини ўз вақтида якунлаш бўйича режа-графиклар ишлаб чиқилган. Ўрганишлар шаҳарнинг Отабой Эшонов, Иброҳим Мўминов, Садриддин Айний кўчалари бўйлаб давом этди.

Шунингдек, вилоят раҳбари бошчилигида турар жой биноларида қурилиш-монтаж ишларини жадаллаштириш бўйича олиб борилаётган масалалар масъуллар иштирокида кенг муҳокама қилинди.

– Ижарама-ижара юрган одамларни энди сарсон қилмаслик зарур, – деди Ботир Зарипов. – Уларнинг ҳам яхши шароитларга эга ўз уй-жойларида яшагиси келади. Ўтказилган мулоқотларда аҳоли ана шундай талабни кўтариб чиқяпти. Биз бу талабни тўғри қабул қиламиз. Ўз навбатида, сизларга ҳам талабимиз бор – уй-жойлар қурилиши қисқа фурсатда якунланиши ва хонадон эгалари янги уйларига кўчиб кириши лозим. Бунинг учун қандай амалий ёрдам керак бўлса тайёрмиз.

Бундан ташқари, вилоят раҳбари томонидан масъул-мутасаддилар зиммасига реновация асосида қурилаётган уйларда муҳандислик-коммуникация тармоқларига доир зарур инфратузилмани яратиш, атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш билан боғлиқ қатор вазифалар ҳам юклатилди.

# Оғриқли нуқтага эътибор кучаймоқда

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
“O‘zbekiston bunyodkori”мухбири.

**Саломатлиги таъминланган одам ҳар ишга қодир бўлади. Ислоҳотлар даврида фуқароларимизни йиллар давомида энг оғриқли нуқталаридан бирига айланган тиббиёт хизматлари сифатини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, 2022 йилнинг 20 декабрида Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига қилган Мурожаатномасида аҳолига бирламчи тиббий хизматларни янада яқинлаштириш ишлари давом этиши, 2023-2024 йилларда ҳар бир оилавий поликлиника ва шифокорлик пунктига кераkли ускуна ҳамда жиҳозлар етказиб берилиши, экспресс лабораториялар тўлиқ янгиланиши айтилганди.**

Булардан ташқари, 2023 йилда қўшимча 140 та оилавий шифокор пункти ва поликлиникалари, 520 та олис ҳамда чекка маҳаллаларда ихчам тиббиёт пунктлари ташкил этилиши, шу билан бирга, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича уч йиллик дастур амалга оширилиши, шунингдек, барча туғруқ комплекслари тўлиқ таъмирланиб, жиҳозланиши, ўринлар сони эса 35 фоизга кўпайтирилиши таъкидланганди.

Бу борада Навоий вилоятида ҳам аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш юзасидан мавжуд тиббий муассасаларни замонавий асбоб-ускуналар ва техник ҳамда технологик қайта жиҳозлаш, янгиларини қуриб битказишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Жумладан, яқинда Хатирчи туманида ҳар томонлама талаб даражасига жавоб берадиган гемодиализ марказининг филиали қурилиб, фойдаланишга топширилди. Айтиш жоизки, туманда ушбу хасталик азобини тортаётган беморлар шу пайтгача шифокорга кўриниш учун Навоий ёки Зарафшон шаҳарларига боришга мажбур эди. Эндиликда улар барча муолажаларни шу ернинг ўзида олишмоқда. Марказ биносини замон талабига мослаштиришга етарли миқдорда маблағ сарфланиши баробарида, 1,2 миллиард сўмга 3 та гемодиализ аппарати, сув тозалаш ускунаси ва миксер каби воситалар билан жиҳозлантирилди.

Фақат бу эмас, ушбу ҳудудда туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари маркази ҳам қурилмоқда. “Open budjet” дастуридан 1,2 миллиард сўм ва маҳаллий бюджетдан ажратилган 700 миллион сўм маблағ ҳисобига бунёдкорлик ишлари жадаллашмоқда. Президентимизнинг 2020 йил 10 январдаги “2020-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан Республика шошилинч тез ёрдам илмий марказининг Навоий филиали қуриб битказилгани вилоят аҳолисининг кўнглидаги гап бўлганини эътироф этиш керак. Ушбу бино “Таянч Қурилиш Сервис” МЧЖ томонидан 49,1 миллиард сўм маблағ ҳисобига қад ростлади ва унда қабул-диагностика, реанимация, шошилинч жарроҳлик бўлимлари ҳамда замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган амалиёт хоналари мавжуд.

Шунингдек, инвестиция дастури асосида “Алишер Қурувчи Сервис” МЧЖ томонидан Ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ҳамда уларни ихтисослаштириш марказининг Навоий филиали биносида таъмирлаш ва реконструкция ишлари ҳам ниҳоясига етказилмоқда. Бунёдкорлар ўз соҳасини пухта ўзлаштиргани туфайли қад ростлаётган бинолар тез ва сифатли бажарилмоқда.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, бугунги кунда аҳоли соғлигини муҳофазалаш ва соҳадаги хизмат кўрсатиш муассасаларини талаб даражасига мослаштириш, таъмирлаш ҳамда реконструкциялаш мақсадида саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Йилдан йилга ўтувчи объектлардан ташқари жорий йил охиригача туман ва шаҳарлар, энг чекка қишлоқлардаги тиббиёт пунктларининг 70 фоизи тўлиқ таъмирланиб, аҳоли хизматига топширилиши режалаштирилган. Айни пайтда уларнинг асосий қисмида бунёдкорлик ишлари давом этмоқда.

# “КОНТРАКТ”ДАН 12 ФОИЗ ДАРОМАД СОЛИҒИНИ ҚАЙТАРИШДА

## ёш чегараси олиб ташланади

Шаҳбозбек КАРИЕВ, Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси бош инспектори.

**Хабарингиз бор, амалдаги Солиқ кодексининг 378-моддасида “Солиқ тўловчининг профессионал ва олий таълим ташкилотларида ўзининг, шунингдек, 26 ёшга тўлмаган фарзандларининг ёки турмуш ўртоғининг таълим олиши учун йўналтирилган иш ҳақи ва бошқа даромадлари солиққа тортилмайди”, дея белгилаб қўйилган. Яъни, тўланган суммадан 12 фоиз даромад солиғини қайтариб олиши мумкин.**

Президентнинг жорий йил 8 майдаги ПФ-67-сонли Фармони 11-бандига кўра, ота-оналар учун юқорида қайд этилган тартибнинг ёш чегараси билан боғлиқ чекловлар бекор қилинди. Аниқроғи, бунда жорий йилнинг 1 августидан фарзанд учун ёш чегараси олиб ташланади. Эндиликда ота-оналар фарзандининг ёшидан қатъи назар таълим олиши учун тўлаган суммадан 12 фоиз даромад солиғини қайтариб олади.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, “Контракт” учун тўлов солиққа тортилмайди. Бу тартиб Солиқ кодексининг 378-моддасида белгилаб қўйилган. Яъни, жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон профессионал ва олий таълим ташкилотларига ўзининг, шунингдек, 26 ёшга тўлмаган фарзандларининг ёки эрининг/хотинининг таълим олиши учун йўналтирган иш ҳақи ва бошқа даромадлари солиққа тортилмайди. Мазкур имтиёз ўқиш учун тижорат банклари томонидан ажратилган таълим кредитларини (фоизлари билан) қоплашга нисбатан ҳам қўлланилади.

Агар сиз таълим ёки олган таълим кредитингизни (фоизлари билан) қоплаш учун маблағларни профессионал ва олий таълим ташкилотларига ёки тижорат банкига иш берувчи томонидан ўтказиб берилишини ҳамда бу маблағларингизга солиқ солинмаслигини истасангиз, у ҳолда тегишли ариза билан иш берувчига мурожаат қилишингиз лозим.

Бунда қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши керак:

– талаба (талабалар) билан Ўзбекистон профессионал ёки олий таълим ташкилотлари ўртасида тўлов-контракт асосида ўқитиш тўғрисида тузилган шартнома (шартномалар) нусхаси;

– тижорат банки билан таълим кредитини олиш учун тузилган шартнома (шартномалар) нусхаси.

Агар сиз олдинги йилларда ишлаб туриб, шартнома суммасини ўзингиз (нақд ёки банк картаси орқали) мустақил равишда тўлаган бўлсангиз, доимий яшаш жойидаги солиқ органига жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация ва қуйидаги ҳужжатларни топшириш орқали тўланган даромад солиғини қайтаришингиз мумкин:

– талаба (талабалар) билан Ўзбекистон профессионал ёки олий таълим ташкилотлари ўртасида тўлов-контракт асосида ўқитиш тўғрисида тузилган шартнома (шартномалар) нусхаси;

– тижорат банки билан таълим кредитини олиш учун тузилган шартнома (шартномалар) нусхаси;

– Ўзбекистон профессионал ва олий таълим ташкилотлари ҳисоб рақамига (таълим кредитини (фоизлари билан) қоплаганда тижорат банки ҳисоб рақамига) пул маблағларини мустақил тўлаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси.

Агар таълим учун йўналтирилган маблағлар миқдори йиллик даромаддан ортиқ бўлса, бошқа оила аъзоси (ота/она, эр/хотин) солиқ тўланган сумманинг қолган қисмидан олинган даромад солиғини худди шу тарзда қайтариши мумкин. Бунда у аввал имтиёз қўлланилган сумма миқдори тўғрисидаги маълумотнома тақдим этиши керак. Агар сиз ва сизнинг оила аъзоларингиз турли ҳудудлардаги давлат солиқ органларида рўйхатдан ўтган бўлса, у ҳолда имтиёзни қўлламоқчи бўлган шахс бошқа ҳужжатлар билан бирга имтиёзнинг ҳали қўлланмаганлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этади.

# Маҳалла инфратузилмаси тубдан ўзгарди

Моҳинабону ҚОДИРОВА, ЎзДСМИ талабаси.

**“Телов” маҳалла фуқаролар йиғини Оҳангарон туманидаги аҳоли энг кўп истиқомат қилаётган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Кейинги вақтларда маҳаллада ичимлик суви, электр ва газ таъминоти, ички кўчаларни ободонлаштириш каби муаммолар тўпланиб қолганди.**

Президентимизнинг “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-408-сонли қарорига асосан аҳолига зарур шароитларни яратиб бериш ишлари бошлаб юборилди. Жумладан, умумий қиймати 3 млрд 860 миллион сўмлик лойиҳага кўра, узунлиги 12 километр бўлган ичимлик суви тармоғи тортилиб, барча хонадонлар тоза оби-ҳаёт билан таъминланди. Бундан ташқари, 3 та сув қудуғи қазилиб, доимий меъёрни таъминлаб берувчи 3 та сув минораси ва трансформаторлар қурилиб, ишга туширилди.

Давлат дастурлари бўйича ҳудудда инфратузилмани кенг шакллантириш учун ички кўчаларга қум-шағал ётқизилиб, асосий йўллар асфальтланмоқда. Шунингдек, эскириб қолган маҳалла биноси таъмирланяпти, мактаб ва болалар боғчасига эса қўшимча хоналар қурилмоқда. Вақтинчалик ишсиз мақомини олган ва камбағалликни тугатиш мақсадида ўзини ўзи таъминлашлари учун 14 та хонадон аҳлига иссиқхоналар қуриб берилди. Жорий йил охиригача эса маҳалла ҳудудида 2 та ишлаб чиқариш корхонасини бунёд этиш режалаштирилган бўлиб, ҳозирда лойиҳа-сметалари устида иш олиб борилмоқда.

# Замонавий синов лабораторияси ташкил этилди

Райҳона ХЎЖАЕВА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**“ЎзқурилишматериалЛИТИ” илмий-тадқиқот ва инжиниринг марказида хорижий синов ускуналари, халқаро ва миллий стандартлар, меъёрий ҳужжатлар ҳамда малакали мутахассислар билан таъминланган замонавий синов лабораторияси ташкил этилди. Бу ерда қўлланиш соҳасига кўра 300 дан ортиқ синов усуллари мавжуд.**

Лабораторияда металл бўлмаган материаллар, бетон, цемент, ғишт, гипс, девор блоклари, асфалт-бетон, олтингугуртли бетон, толали темир-бетон, турли жинслар – оҳактош, гранит, базальт, мармар каби қурилиш материаллари синовдан ўтказилади. Шунингдек, қурилиш саноати учун хомашёнинг хоссалари каби тадқиқотлар ҳам ўтказилади.

Синов лабораторияси Марказнинг таркибий бўлинмаси ҳисобланиб, унда сифат менежменти тизими (СМК) жорий қилинган. Синов (тадқиқот)нинг барча босқичларида, шу жумладан, намуналар олиш ва ишлов бериш, асбоб-ускуналарни текшириш ва техник хизмат кўрсатиш, ходимларни доимий равишда малакасини ошириш, ички лаборатория сифатини назорат қилиш, лабораториялараро қиёсий синовларда иштирок этиш ва синовдан ўтказишнинг барча босқичларида ишнинг юқори сифатини таъминлаш учун процессуал ҳужжатлар ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари, лаборатория мутахассислари томонидан янги турдаги қурилиш материалларидан фойдаланиш бўйича йўриқномалар, синов усуллари, ишлаб чиқариш ташкилотлари учун технологик йўриқномалар, қурилиш материаллари маҳсулотларини сертификатлаш бўйича хизматлар кўрсатиш ва ҳоказолар ҳам яратилиши кўзда тутилмоқда.

# Келажаги порлоқ корхона

Ҳамза ШУКУРОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Кейинги йилларда Самарқандда саноат корхоналарининг модернизация қилиниши ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, маҳсулот турлари кўпайиши ва қатор иш ўринлари очилишига имкон бераётир. Янгидан янги корхоналарнинг фойдаланишга топширилишини эса қурувчилар меҳнатисиз тасаввур этиб бўлмайди. Кўҳна шаҳарнинг Дарғом каналига яқин, аммо ташландиқ ҳолатга келиб қолган қатор ҳудудлар бўлардики, бу жойларда бир ҳовуч сув анқонинг уруғи эди. Ачинарлиси, бундай манзилларнинг аксари чиқиндихонага айланганди.**





Эътиборсизликдан шундай ҳудудлар бугун обод гўшаларга айланаётгани ҳар қандай кишининг ҳавасини келтирар даражадаги саноат корхоналарининг бунёд этилаётгани, улар атрофи боғ-роғларга айланаётгани қувончли ҳолдир. Шундай корхоналардан бири Янги Ўзбекистон даврида Хишрав массивида қурилиб, фойдаланишга топширилган Самарқанд металлургия заводидир. Унинг замонавий цехларида юзлаб ишчи-мутахассислар меҳнат қилаётганлигини кўриш мумкин ва уни дастлаб “Азияметаллпроф” МЧЖ деб аташган.

– Қисқа вақтда бир неча лойиҳаларни амалга оширишга эришдик, – деди корхона раҳбари Одилжон Болтаев. – Металл ўрамалар ишлаб чиқариш ва уларни қайта ишлашни ташкил этиш шундай лойиҳалардан бири эди. Мазкур лойиҳа қиймати 80 миллион АҚШ долларини ташкил этганди. Шундан тўғридан-тўғри хорижий инвестиция миқдори 31,5 миллион АҚШ долларидан иборат бўлди. Бундан ташқари корхона томонидан ўрамали металлдан турли ўлчамдаги металл қувурлар ва профиллар ишлаб чиқариш лойиҳаси ҳам амалда ўзини оқлади. Лойиҳанинг умумий қиймати 4,3 миллион АҚШ долларига тенг. Шунингдек, ўрамали металлдан турли қалинликдаги рух ва полимер билан қопланган тунука маҳсулотлари ишлаб чиқариш, пўлат қоришмалардан турли қалинлик ва кенгликдаги ўрамали металл маҳсулотлари ишлаб чиқариш, темир рудасидан металл маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби лойиҳалар устида ҳам иш олиб борилди.

Корхонада пўлат эритиш ва қора металл ишлаб чиқариш лойиҳасини ҳам амалга татбиқ этишга улгурдик. Унинг лойиҳа қиймати 184 миллион АҚШ долларидан иборат бўлиб, 62, 76 миллион АҚШ доллари миқдоридаги тўғридан-тўғри хориж инвестицияси жалб этилди. Маблағнинг 15 миллион АҚШ доллари корхонанинг ўз маблағи ҳисобидан сарфланди. 25,24 миллион АҚШ доллари эса таъминотчи кредит маблағидан қопланди. 81 миллион АҚШ доллари банк кредитига тўғри келди. Дастлаб ана шу мақсадда банк муассасасидан 25 миллион АҚШ доллари миқдорида қисқа муддатли кредит ажратилди. Қолган 56 миллионлик кредитга эгалик қилиш жараёни эса босқичма-босқич амалга оширилди.

Корхона раҳбарининг маълумотига қараганда, ушбу лойиҳа асосида 600 минг тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилган. Бу 6 триллион 510 миллиард сўмни ташкил этади. Маҳсулотнинг 50 миллион АҚШ долларига тенг қисми экспорт қилинган ва 400 та янги иш ўрни очилган.

Самарқанд металлургия заводи номини олган корхонада ҳозирги кунгача 970 та янги иш ўрни яратилди. Ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ошиб бораяпти. Хитойлик тадбиркорлар билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилганлиги барча ютуқларнинг омили бўлаяпти.

Хитойлик ҳамкорлар билан унинг бизнес оламида ўз ўрни бор. Шу боисдан хитойлик ишбилармонлар билан яна учта лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилаётир. Бу лойиҳалар амалга ошса, яна 1000 кишилик янги иш ўрни яратилади.

Шуни ҳам айтиш ўринлики, заводнинг экспорт салоҳияти йил сайин ошиб, 2021 йилда хорижга 25 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот жўнатилганди. Ўтган йили эса экспорт ҳажми 63 миллион АҚШ долларига етказилди. 2023 йилда самарқандлик металлчи тадбиркорлар бу кўрсаткични 100 миллион АҚШ долларидан оширишни режалаштирган.

# Правительство Республики Узбекистан

**получило кредит от Всемирного банка (Банка) на реализацию проекта ‘Развитие сельской инфраструктуры” и намеревается использовать часть средств данного кредита для финансирования правомочных платежей по контракту на выполнение проектно-изыскательских работ и разработку рабочего проекта под ключ по следующим объектам:**

| № | Наименование объекта | Номер контракта | Стартовая стоимость работ (тыс. сум, без НДС) | Срок выполнения работ (календарных дней) |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Улучшение системы питьевого водоснабжения (18 км) населения в МСГ “Янгичак” Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-107 | 221 000 | 110 |
| 2. | Улучшение системы питьевого водоснабжения (11 км) населения в МСГ “Пилол” Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-108 | 154 590 | 110 |
| 3. | Улучшение системы питьевого водоснабжения (16 км) населения в МСГ “Боло” Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-109 | 221 000 | 110 |
| 4. | Ремонт внутренних дорог (гравирование, асфальтирование) (16,6 км) в МСГ “Мунчоктепа” Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-110 | 539 215 | 120 |
| 5. | Строительство и ремонт пешеходных дорожек (1 км) в МСГ “Ёркишлок” Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-111 | 174 406 | 110 |
| 6. | Ремонт внутренних дорог (гравирование и асфальтирование) (18 км) в МСГ “Янгичак” Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-112 | 114 811 | 110 |
| 7. | Ремонт внутренних дорог (гравирование и асфальтирование) (16 км) в МСГ “Боло” Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-113 | 126 000 | 110 |
| 8. | Ремонт внутренних дорог (гравирование и асфальтирование) (11 км) в МСГ “Пилол” Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-114 | 184 000 | 110 |
| 9. | Ремонт внутренних дорог (гравирование и асфальтирование) (16,3 км) в МСГ “Булокбоши” Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-115 | 531 234 | 120 |
| 10. | Строительство СВП на 50 мест в МСГ “Тепакурган” Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-116 | 273 000 | 110 |
| 11. | Строительство дополнительного здания на 210 мест и сооружений для школы №58 в МСГ “Майдон” Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-117 | 231 124 | 110 |
| 12. | Строительство современного актового зала, спортзала и спортивной площадки для школы №25 в МСГ “Хисорак” Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-118 | 390 322 | 110 |
| 13. | Строительство дополнительного здания на 210 мест и сооружений для школы №28 в МСГ “Огасарой” Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-119 | 378 357 | 110 |
| 14. | Строительство дополнительного здания на 210 мест и сооружений для школы №20 в МСГ “Тоймас” Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-120 | 343 603 | 110 |
| 15. | Строительство дополнительного здания на 330 мест и сооружений для школы №55 в МСГ “Шувар” Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-121 | 325 560 | 110 |
| 16. | Капитальный ремонт школы №16 и установка солнечных батарей в МСГ “Тепакурган” Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-122 | 147 743 | 110 |
| 17. | Строительство и ремонт дошкольной образовательной организации на 120 мест в МСГ “Ёркишлок” Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-123 | 360 000 | 110 |
| 18. | Реконструкция дошкольной образовательной организации на 120 мест в МСГ “Саркамиш” Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-124 | 258 897 | 110 |
| 19. | Строительство дошкольной образовательной организации на 120 мест в МСГ “Мирзаобод” Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-125 | 258 897 | 110 |
| 20. | Реконструкция существующих спортивных площадок в МСГ “Майдон” Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-126 | 99 000 | 90 |

**ГУП “Служба заказчика в сфере капитального строительства” при Наманганском областном хокимияте**
(далее именуемый “Заказчик”)

приглашает проектные организации представить объединенные технические и финансовые предложения по предоставлению следующих консультационных услуг: выполнение проектно-изыскательских работ и разработку рабочего проекта под ключ по вышеуказанным объектам. Торги будут проводиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в “Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка” и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.

